



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 16 май, № 94 (5768)

Пайшанба

БИЗ ВА ЖАҲОН

Дехлида Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти ва “Обод турмуш йили” Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилишига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистон ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил ва илмий-академик доираларининг вакиллари ҳамда журналистлар иштирок қатнашди.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий муваффақиятлари Ҳиндистонда тақдим этилди

Ўзбекистонда ижтимоий йўналишлар бозор иқтисодиётига эга бўлган демократик давлат қуриш йўлида олиб борилаётган ислохотлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар тадбир қатнашчиларининг эътиборига ҳавола қилинар экан, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва инфратузилма объектларини ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техникавий ва технологик янгилашга қаратилган фаол инвестиция сисъатининг амалга оширилиши натижасида ўзлаштирилган сармоялар ҳажми

7,2 фоизга ўсгани алоҳида таъкидланди. Брифингда сўзга чиққанлар мамлакатимизда мустақиллик йилларида қўлга киритилган муваффақиятларни эътироф этганлари барибара, Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларининг ривожланиб бораётгани ҳамда ўзаро алоқаларнинг истиқболли хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди. Жумладан, **Ҳиндистон Молия институти раиси ўринбосари, профессор Аман Агарвал** Ўзбекистоннинг тараққиёт суръатларини катта қизиқиш

ва эътибор билан кузатиб келаётганини айтди. Унинг фикрича, иқтисодий ислохотларнинг ҳаётга изчил татбиқ қилиниши, кўрилатган чора-тадбирлар натижаси ўларок, Ўзбекистонда молиявий тартиб сақланаётган. “Бир неча йиллардан буён давлат қарзининг паст даражаси сақланмоқда, бу эса, ўз навбатида, пул қадрсизланиши жараёнига ижобий таъсир кўрсатаётгани ҳолда, бюджет профицитини янада ошириш имконини бермоқда”, деди у.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗ СОФТВЕР СОҲАСИ РИВОЖИ

ахборот технологияларини кенг жорий этишда яққол акс этмоқда

Пойтахтимизда “Best Soft Uzbekistan — 2013” кўргазмаси иш бошлади. Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Вазирлар Маҳкамасининг Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳамда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси кўмағида еттинчи бор ўтказилаётган ушбу тадбирга бўлган қизиқиш низоҳатда катта.

КЎРГАЗМА

Сабаби, мамлакатимиз софтвер соҳасидаги энг йирик воқеалардан бири ҳисобланган форумда “Электрон ҳукумат” тизимини жорий қилиш, миллий дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантириш, жабҳага халқаро тажрибани ўрганган ҳолда энг сўнгги янгиликларни татбиқ этиш йўлида рўйбга чиқарилаётган чора-тадбирлар ютуқлари тақдим этилмоқда. Маълумки, юртимизда бошқарув жараёни, бизнес соҳаси ва фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш ҳамда такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаёпти. “Ўзэкспомарказ”да ташкил этилган ушбу тадбирга ташир буюрганлар ана шу эзгу сазъ-ҳаракатларнинг ижобий натижаларидан бохабар бўлишлари мумкин. Зеро, унда кўплаб маҳаллий ва халқаро IT-компаниялар, интеграторлар, контент ишлаб чиқарувчилар, хизматлар провайдерлари билан бир қаторда, тегишли давлат органлари ўзларининг интерактив хизматлари

(Давоми 2-бетда).

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан 15 май — Халқаро оила кунига бағишлаб “Барқарор оила — маҳалла таянчи” мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Барқарор оила — жамият таянчи

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази каби ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, психологлар, талабалар иштирок этди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида оила ва маҳалла институтларини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида вояга етказишда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

(Давоми 3-бетда).

Дастур самараси

Ўрта Чирчиқ туманидаги “Хилол мубин” масъулияти чекланган жамиятида айни пайтда кунига 200 миллион сўмлик тўқимачилик маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Бундай натижага ҳам эга бўлди. Энг муҳими, корхона қувватларининг қайта тикланиши 150 дан ортиқ маҳаллий чеварларни иш билан таъминлаш имконини берди. Кейинги бир йил ичида туманда худди шундай лойиҳалар рўйи учун қарийб 5 миллиард сўмлик сармоя йўналтирилгани эътиборлидир. **Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

Ёғочга пардоз беради

Юртимизда маданий-маиший объектлар, тураржойлар барпо этиш кўламининг йил сайин кенгайиб бораётгани курилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар жамоаларини изланишга, янги лойиҳаларни амалга оширишга ундаяпти.

Бухоро шаҳридаги “Jetcolor Al Bahrom” масъулияти чекланган жамияти ҳам курилиш бозоридagi талаб ва эҳтиёжни ўрганиб, морилка, яъни теぞиб ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. — Бу маҳсулот локка қўшилидиган компонент бўлиб, ёғочга пардоз бериш ва уни ташқи таъсирлардан ҳимоялаш мақсадида ишлатилади, — дейди корхона раҳбари Алишер Ҳакимов. — Ҳозиргача бундай маҳсулот ички бозорга четдан келтирилаётган. Корхонамиз ойига 17 минг идиш морилка ишлаб чиқариш қувватига эга. Биз бундан ташқари, универсал елимлар, шпаклёвка ишлаб чиқариб, буюртмачиларга етказиб бераёламиз.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ишлаб чиқариш янгиланди

Янгиер шаҳридаги “Шоҳаббек Бек-Файз” кўп тармоқли хусусий ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини бошлаганига кўп бўлгани йўқ.

Шундай қарамай, бу ерда турли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани диққатга сазовор. Хусусан, нон ва нон маҳсулотлари, шу билан бирга, йўлак плиталари тайёрланмоқда. Яқинда эса корхона раҳбари Нодира Раҳимжонова ташаббус билан 6 турдаги эмальсиз билан 6 хилдаги лок-бўёқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. — Айни пайтда 35 та корхонага ўз маҳсулотларимизни шартнома асосида етказиб бераёламиз, — дейди корхона раҳбари. — Маҳсулотларимиз турини янада кўпайтириш ҳамда уларнинг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратаёламиз. **Шомурод ХОЛМУРОДОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

Кичик бизнес — фаровонлик асоси



Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва куч-қудрати юксалиб боришида унинг ишлаб чиқариш соҳасида эришаётган муваффақиятлари муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, юртимизда тадбиркорлик соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бугунги тараққиётимиз ва эртанги фаровонлигимизнинг ҳал қилувчи омили бўлиб хизмат қилмоқда.

ИСЛОҲОТ

Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа туманида ҳам кўплаб тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда иш ўринлари яратиш борасида эътирофга арзиғулик натижаларга эришилмоқда. Хусусан, тадбиркор ўринбой Дўсимбетов сазъ-ҳаракати билан тумандаги “Гулдурсин нафосати” хусусий корхонаси фаолияти йўлга қўйилгач, 60 нафар қишлоқ қизи доимий иш ўрнига эга бўлди. Эътиборлиси, қизларнинг аксарияти касб-хунар коллежларини битирган ёшлардир. — Эллиққалъа маиший хизмат касб-хунар коллежини ўтган йили битказиб, шу ерга ишга келдим, — дейди тикувчи Ҳамида Жуманиёзова. — Замонавий дастгоҳларда ишлашни ўзлаштириб олишим қийин бўлмади. Айни пайтда болаларбоп либослар ва спорт кийимларини тикаяпмиз. Ушбу буюмлар харидорларга манзур бўлаётгани, янгидан-янги буюртмалар олаётганимиздан, ишимиз орқали ҳам оиламиз, ҳам жамиятга нафи-

миз тегаётганидан хурсандим. Таъкидлаш жоизки, мазкур ишлаб чиқариш объекти лойиҳасини рўйбга чиқариш учун жами бир миллиард сўм сарфланди. Ҳозирги кунда корхона маҳсулотлари ички бозордаги эҳтиёжни қондирмоқда, яъни ойига 15-20 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланаёпти. Келгусида эса ишлаб чиқариш суръатини янада ошириб, корхонанинг янги иш ўринлари сонини 200 тага етказиш режалаштирилмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга талаб ортиб бораётганлигини эътиборга олган ҳолда, ишонч билан айтишимиз мумкинки, истиқболдаги эзгу мақсадлар ҳам тез фурсатда ижобат бўлади.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

СЕНАТДА УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб йўналишларда, шу жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун икки томонда ҳам қизиқиш катта экани алоҳида таъкидланди. Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган бир қатор ҳужжатлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни изчил ривожлантириш ҳамда икки мамлакат ишбилармонлари ўрта-

сидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Буюк Британия кенгаши мажлислари мунтазам ўтказиб келинаётган. Ўзбекистонда британиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган 437 корхона, Буюк Британиянинг 86 фирма ва компанияси ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Юксак технологиялардан фойдаланган ҳолда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга икки томон ҳам ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қарайди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ОЛИЙ СУДИ РАИСИ ВЯЧЕСЛАВ ЛЕБЕДЕВ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ АЪЗОЛАРИ 15 МАЙ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАИСИ БЎРИТОШ МУСТАФОЕВ БИЛАН УЧРАШДИ.

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб йўналишларда, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Учрашувда қайд этилганидек, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилик-

ни либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла ҳимоя қилинишини таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар юксак самаралар бераётган. Суд-ҳуқуқ ислохотлари соҳасида қабул қилинаётган янги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш учун соҳа мутахассислари малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ
ЭКСПОРТБОП
МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ
КЎПАЙМОҚДА

2013 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан

76

турдаги янги товарлар экспортга етказиб берилди.

Углерод икки оксиди, натрий нитрати, юк автомобилларининг тирсакли валлари, полиэтилен қувурлар, изоляция қилинган ва ўраш симлари, ток ўтказиш симлари, автогенераторлар, компрессорлар шулар жумласида бўлиб, ушбу янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда сотиш иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар изчил амалга оширилиши натижасида йўлга қўйилди.

Барқарор оила — жамият таянчи

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Обод турмуш йилда бу борадаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси маҳалла маслаҳатчилари фаолиятини такомиллаштириш, хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш, соғломлаштиришга оид бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида оилавий ажримларнинг олди олинмоқда, оилалардаги маънавий муҳит ўрганилиб, уларга моддий, маънавий ва тиббий ёрдам кўрсатилаётган.

— Оилалардаги маънавий муҳитни атрофлича ўрганиш, ёшлар, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтириш каби масалалар — доимий диққат марказимизда, — дейди Тошкент вилояти Зан-

гиота туманидаги "Гулистон" қишлоқ фуқаролар йиғини яратиш комиссияси раиси Зумрад Ганиева. — Бунинг натижасида айрим оилалардаги келишмовчиликлар, қизларнинг эрта турмушга узатиш ҳолатларини бартараф этишга эришялми.

Тадбирда Ўзбекистонда оилаларнинг барқарор ривожланиши, оила институтини мустаҳкамлашда ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти, оилаларга психологик кўмак кўрсатишнинг ўзига хос жиҳатлари каби мавзуларда маърузалар тингланган.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Кредит шарофати

Жалакудук туманидаги "Минавар сайёра люкс" масъулияти чекланган жамиятида йилга 100 тонна гўштни қайта ишлашга мўлжалланган янги технологик линия ишга туширилди.

ЯХШИ ХАБАР

Бунда корхонанинг 80 миллион сўмлик маблағидан ташқари, банк томонидан ажратилган 70 миллион сўмлик кредитдан ҳам самарали фойдаланилди. Ҳозир бу ерда хорижий илгор технологиялари ёрдамида тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти.

Жорий йилнинг дастлабки уч ойида туманда "Баҳодир", "Орион систем сервис", "Жалакудук йўл транс" сингари 8 та масъулияти чекланган жамияти фаолияти йўлга қўйилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Суғурта бозори республика иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Шу боис юртимизда кейинги йилларда мазкур тармоқни ривожлантириш ва суғурта хизматлари сифатини яхшилашга қаратилган мустақкам ҳуқуқий пойдевор яратилди.

СУҒУРТА

"Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунилари ана шундай ҳужжатлар сирасига қиради. Чунки улар нафақат суғурта бозорини такомиллаштиришга, балки ушбу бозорда иштирок этув-

Тезкор ва кафолатли хизмат

чилар сафининг кенгайишига ҳам хизмат қилаяпти. Хусусан, айна пайтда "Кафолат" давлат-акциядорлик суғурта компанияси томонидан 80 га яқин хизматлар таклиф этилаётган бўлса, аҳоли орасида уларга бўлган ишонч тобора ортиб бораётган. Биргина ўтган йилнинг ўзида компаниямизда 635 мингга яқин шартномалар имзоланиб, кўрсатилган суғурта хизматлари ҳажми салкам 6,8 триллион сўмликни ташкил этгани бунинг тасдиғидир.

Маълумки, бугун қайси соҳа бўлмасин, унинг ривожини замонавий технологияларисиз тасаввур қилиш мушкул. Шу маънода, тизимга кириш илгор ахборот-коммуникация ускуналарининг кенг жалб қилинаётгани ҳужжатларни расмийлаштириш, шунингдек, суғурта ҳодисаси содир бўлганда, балки ушбу бозорда иштирок этув-

чи ораларини қисқартиришда кўл келмакда. Хизмат кўрсатиш соҳасида вақт ҳамкорлиқни мустаҳкамловчи энг асосий омиллардан бири эканлигини инобатга олсак, бу ҳар икки томон учун ҳам айна мудоаодир.

Бундан ташқари, тармоқларнинг кенгайтирилишига хизматларимиз билан чекка қишлоқларга фаол кириб боришимизни таъминлаяпти. Хусусан, ўтган йили Чимбой, Марҳамат, Пахтаобод, Зарбдор, Наманган, Иштихон, Каттақўрғон, Қўмқўрғон, Қибрай, Чиноз, Фарғона, Хорқа туманларида янги бўлинмалар иш бошлаганини қайд этиш мумкин.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш устувор вазифалардан бири эканлиги ҳаммага аён. Шундан келиб чиқиб, мазкур жабҳада ҳам компаниямиз

томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ишбилармонларни суғурталаш бўйича жамғарилган суғурта муқофотлари ҳажми 3 миллиард 487,1 миллион сўмликни ташкил этгани ана шундан далолат беради.

Этиборлиси, тахлилларнинг кўрсатишича, компаниямизда суғурта қопламаларини тўла бериш амалиёти анча фаоллашди. Бошқача айтганда, бир кунда 5-6 та суғурта тўловлари амалга оширилмоқда. Бу, аслида, аҳоли орасида суғурта хизматларига бўлган талаб тобора ортиб бораётганидан ниҳона. Шундай экан, келгусида ҳам иш жараёнида илгор тажрибаларни қўллаган ҳолда, миқдорларга янги ва жозибдор суғурта турларини тақдим этиш ниятидамиз.

Президентимизнинг 2012 йилда

мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ўтган йили аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми қариб 15 фоизга ўсиб, ушбу соҳанинг яқин икки йилдаги ўлиши 52 фоиздан зиёд ташкил этгани алоҳида таъкидланди. Жорий йилда эса ушбу кўрсаткични мутаносиб равишда 16 ва 53 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда. Айтиш керакки, бу вазифа "Обод турмуш йили" Давлат дастурида ҳам ўз аксини топган. Демак, аҳоли турмушини фаровон қилиш ва республикамиз иқтисодиётини янада раванқ топтиришга муносиб ҳисса қўиш компаниямиз жамоасининг эзгу мақсади бўлиб қолаверад.

Равшан НАРЗУЛЛАЕВ, «Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари.

«Universal Auktions Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2013 йил 31 май куни соат 12.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси ЖИБ Олий судининг 2012 йил 27 ноябрдаги 123570-сонли ижро хатига асосан, Хўжайли тумани СИБ томонидан хатланган, Хўжайли тумани, «Сары-шунгил» АПЖ, «Дўстлик» ш/ҳда вақтинча сақланган:

— 2010 йилда ишлаб чиқарилган «Беларус 82.1» русумли трактор, давлат рақами HE 56-80, техник носоз.

Бошланғич баҳоси — 31 439 664 сўм.

— 2007 йилда ишлаб чиқарилган «Беларус 80X» русумли трактор, давлат рақами HE 56-65, техник носоз.

Бошланғич баҳоси — 26 200 017 сўм.

— 2011 йилда ишлаб чиқарилган «Погрузчик XCMG» русумли Хитой трактори, давлат рақами HE 56-81, техник носоз.

Бошланғич баҳоси — 116 640 000 сўм.

— 1995 йилда йилда ишлаб чиқарилган «МАЗ-54329» русумли автотранспорт воситаси, давлат рақами 95 199 НАА.

Бошланғич баҳоси — 28 813 644 сўм.

Мазкур мулклар ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий савдо

2013 йил 18 июнь куни бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидида талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача кунда кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидида талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal Auktions Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг ОАТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги МФО: 00585, СТИР: 302083379, 20208000504932168029 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. ИХТИЁРИ КЎШИМЧА ХИЗМАТЛАР Кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аукцион савдоси Нукус шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 112-«А» уй, 4-қават, 412-хонада ўтказилади. Гувоҳнома № 004059. Мурожаат учун телефон: (8-361) 222-11-73.

ЎРНАТИШ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2013 йил 20, 27 июнь ва 4, 11, 18 июль кунлари ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига таклиф этади.

Оммавий оферта савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темуր шоҳқўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг кўйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги банк улушлари қўйилмоқда:

Т/р	Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли	Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг		Савдога қўйилаётган улушнинг устав фондидаги фоизи (%)	Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши		сўм	АҚШ доллари
1.	«NAMANGAN QOQ'OZI» МЧЖ	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Қурувчилар кўчаси, 50-уй	Жамият уставидан қанчалар ва қадоклаш жиҳоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш, оферта ва ёзув қўрозлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш. Турли хил қўроз маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият турларини амалга ошириш белгиланган	100%	3 859 212 000,0	2 008 186,33
2.	«BIO MIKREL» МЧЖ	Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ниёзбоши шаҳарчаси	Жамият уставидан консерваланган ем ва оқсилли концентратларни ишлаб чиқариш. Пахта шротидан оқсил олиш, ветеринария, истиқболли примесклар (ем-озуқа қўшимчалари)ни ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳамда бошқа фаолият турларини амалга ошириш белгиланган	100%	2 179 274 300,0	1 156 267,04
3.	«NUKUS AGRO» МЧЖ	Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, Самбай овули	Жамият уставидан помидор етиштириш ҳамда томат пюреси, томат пастаси, томат соки ва бошқа томат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, полиз экинлари маҳсулотларини етиштириш, уруғлик маҳсулотларини тайёрлаш, аҳолидан ишлаб чиқариш билан боғлиқ маҳсулотларни йиғиш, улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳамда бошқа фаолият турларини амалга ошириш белгиланган	100%	1 757 010 000,0	922 363,39
4.	«SURXON SUN MILK» МЧЖ	Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Ўзбекистон кўчаси, 4-уй	Жамият уставидан сут ва сут маҳсулотлари ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини, қандолчатчилик маҳсулотлари, бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қадоклаш, ўраш, қайта ишлаш, аҳолидан ишлаб чиқариш билан боғлиқ маҳсулотларни йиғиш, улгуржи ва чакана савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳамда бошқа фаолият турларини амалга ошириш белгиланган	100%	331 854 200,0	176 073,33
5.	«TOSHKENT QOQ'OZI» МЧЖ	Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй	Жамият уставидан қўроз, картон, халқ истеъмол молларини, бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, жамият фаолияти билан боғлиқ маҳсулотни қайта ишлаш, сотиш ва бошқа фаолият турларини амалга ошириш белгиланган	100%	23 153 474 000,0	12 284 639,34

Оммавий оферта шартлари:

Оммавий оферта қолиби улуш баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорини савдо ўтказилгандан сўнг бунёқ пули сифатида, қолган қисмининг олди-сотида шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси бўйича фoиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Узмилиёбанк»нинг АҚШ доллари учун базавий ставкаси бўйича фoиз ҳисобланади.

Объектлар фаолиятни тиклаш мақсадида маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлиқ тўлаш шarti билан сотилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминоти билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), оммавий оферта савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар ва бошқа юзага келадиган барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Оммавий оферта савдосида қатнашиш истагидидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лoзим:

• юридик шахслар учун: давлат рўйхатидан ўтказилганини

тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакил қатнашиши учун қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

• жисмоний шахслар учун: паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

• икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:

• сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Талабгорлардан бунортакюмаларни қабул қилиш мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Оммавий оферта савдоларига иштирок этиш истагидидаги талабгорлар томонидан савдога қўйилаётган «NAMANGAN QOQ'OZI» МЧЖ, «BIO MIKREL» МЧЖ ва «NUKUS AGRO» МЧЖ улушлари бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан, «SURXON SUN MILK» МЧЖ улуш бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридан, «TOSHKENT QOQ'OZI» МЧЖ улуш бошланғич баҳосининг 2 фоизи миқдоридан бунёқ пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»

Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашни лoзим: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидан бўлган талабгорлар уларнинг юқоридан кўрсатиб ўтилган манзилга бoриб танишишлари мумкин.

Оммавий оферта савдоларига тақдим этилган таклифларнинг ўрғаниб чиқиб белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуր шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлис залли).

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

Сотувчи (банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Тему́р шоҳқўчаси, 101-уй, телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60, тел./факс: (8-371) 234-43-31.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Тему́р шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона, телефон: (8-371) 233-02-49, тел./факс: (8-371) 233-23-40, электрон почта: TУAS_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, ушбу газетанинг 2013 йил 15 май 93-сонли нашрида чоп этилган «LINPLAST» МЧЖ бўйича эълондаги санада техник хатого йўл қўйилганлиги тўғрисида, «2013 йил 13, 20, 27 июнь ва 4, 11 июль кунлари» сўзлари ўрнига «2013 йил 20, 27 июнь ва 4, 11, 18 июль кунлари» сўзлари ўқилсин.

Гувоҳнома № 005357.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 18 июнь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бoриш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

Яккасарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2013 йил 4 апрелдаги 1-10/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 47-уйда жойлашган, умумий майдони 2 805,0 кв.м. бўлган нотураржой (омборхона, бинолар) бинолари.

Бошланғич баҳоси — 347 024 058 сўм.

Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2012 йил 26 мартдаги 2-29-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 23-уйда жойлашган, умумий майдони 9 086 кв.м. бўлган маъмурий бино, омборхона ва ишлаб чиқариш фабрикаси, жами бешта бинодан иборат кўчмас мулк.

Бошланғич баҳоси — 3 146 800 000 сўм.

2013 йил 4 июнь куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар Сергели тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдоран қўйилмоқда:

1. Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2012 йил 4 октябрдаги 2-177ж/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 8-«А» кварталли, 6-уй, 66-хонадонда жойлашган, умумий

фойдаланиш майдони 119,59 кв.м., яшаш майдони 71,71 кв.м. бўлган тўрт хонали уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 100 087 185 сўм.

2. Жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани судининг 2012 йил 24 сентябрдаги 1-381/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Файзли кўчаси, 3-уйда жойлашган, умумий ер майдони 36 794 кв.м., қурилиш ости майдони 7 141 кв.м., А, Б, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 36, 39, 41, 42-блоклардан иборат 2 қаватли маъмурий бино ва ертўладан иборат бино-иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 2 506 438 980 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидида талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800020492751003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион қолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24. www.realtgroup.uz

Лицензия: № RR-0017.

«Polimer Group Asia» МЧЖ

совуқ сув ва газ учун Ø 63-800 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ҳамда фитинглар, ПВХдан тайёрланган, бурғилашдан кейин қўйиладиган «вертикал ер ости» қувурлари ишлаб чиқаради.

Шунингдек, Европанинг «Pitmo» фирмасининг полиэтилен қувурларини, Ø 63-1200 диаметргача бўлган пайвандлаш ускуналарини таклиф этади.

Кичик ҳажмларда «SG-5» ёки «K-67»га тенг бўлган ПВХ хом ашёсини миллий валютада харид қилади.

Шиоримиз — сифатли маҳсулот мижоз учун.

Тел.: (+99898) 305-70-06, (+99890) 321-95-25, (+99871) 269-02-03. Факс: (+99871) 262-05-07. E-mail: info@pга.uz

ДИЛ СЎЗИ

Биз ҳамisha ҳаётдан сабоқ олиб яшаймиз. 9 май — Хотира ва қадрлаш кuni муносабати билан муҳтарам Президентимизнинг пойтахтимиздаги Хотира майдонида билдирган фикрларини тинглаб, юртимиздаги тинчликнинг, осойишталикнинг, барқарорликнинг нақадар буюк неъмат эканлигини янада теранроқ англадик.

БЕБАҲО НЕЪМАТ САОДАТИ

Бу бебаҳо неъматлар осонлик билан яратилмаётганлигини ортимиздан келаётган авлод — фарзандларимиз онига чуқурроқ сингдирмоғимиз лозим эканлигини яна бир бор дилдан ҳис қилдик.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, йиллар ўтади, асрлар ўтади. Бирок муҳими урушнинг изтиробли хотиралари ўқинч ва алам билан ёдга оли-наверади. Шу боис ҳам тарихни ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак. Тарихни эсдан чиқарганлар хатога йўл қўяди. Тарих ўргатади, тарих йўл кўрсатади.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари дадил одимлаётган мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳада юз бераётган асрларга татигулик ижобий ўзгаришлар нафақат юртдошларимиз, балки хорижликлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Ана шундай паллада кўнглини фахру ифтихор туйғулари эгаллайди.

Катрада кўёш акс этганидек, Андижонда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари мамлакатимиз аҳлининг истиклол туйғуларини эриш-ётган улкан ютуқларининг бир тимиладири. Уй-жойлар қури-ляпти, фаровонлик ортаёпти. Қишлоқларимизда ҳам кўзни қувонтирадиган муҳташам имо-ратлар қад ростламоқда, деҳқоннинг омбори донга тўлаяпти. Қадди тикланаётган, ҳўжалигининг аҳтиёжи ва ри-вожланишининг ҳаражатларидан ортиб бошқаларга ёшдам қўлини чўзаётган, хайри иш-ларга ҳўмийлик қилаётган фер-мер ва тадбиркорлар сафи кен-гайиб бормоқда. Буларнинг барчаси биз ун мустақиллик шарофати билан муҳ-тарам Юртбошимиз раҳнамо-лигида яратилган улкан имко-ниятлар мевасидир.

Ана шу буюк неъматларнинг қадрини янада теранроқ ҳис қилмоқ учун эса тарихимизга, шунингдек, айрим чет давлат-лардаги бугунги аҳволга бир назар солмоқнинг ўзи етарли. Шу боис ҳам Юртбошимиз-нинг дунёдаги ва ён-атрофи-миздаги минтақаларда давом этаётган таҳликали вазият, Ватанимизни ҳар қандай бало-қазолардан асраш учун доимо сезгир бўлиб яшашимизни талаб қилишлари ҳар биримиз учун огоҳлик сабоғи бўлиб янради.

Истиклол нуридан ҳаётимиз тинч, осмонимиз мусаффо, барча-барча юрт равнақи йўлида камарбаста. Янги қад ростлаган, таъмирланган, зам-он талаблари асосида жи-ҳозланган ўқув муассасалари-да ёш авлод эзгу мақсадлари-ни кўзлаб, таълим ва тарбия олмақда. Бу даргоҳларда ҳаёт-нинг пасту баландини, аччиқ-чучугини кўрган фахрийлар, фан, адабиёт ва санъат ва-киллари ёшлар орасида бўлиб, истиклолнинг моҳияти, мамла-катимизда мустақиллик йўли-рида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, миллий маънавий қадриятларимиз, энг бебаҳо неъмат — Истиклол-нинг қадрига етиш ҳақида ҳаётий мисоллар асосида суҳ-батлашмоқдалар. Бу суҳбат-

ларнинг мазмун-моҳиятида, шўбҳасиз, давлатимиз раҳба-рининг Хотира майдонида бил-дирган пурмаъно фикрлари ва йўл-йўриқлари муҳассам. Фуқароларнинг онгу шуури-да бўлаётган ўзгаришлар ҳам мислсиз. Боқимандалик кай-фиятидан халос бўлиб, инти-либ, изланиб, ижодиий ёнда-шиб яшашга ўргандик. Бугун ери, мол-мулк борларга ҳавас қилиб яшаш муҳимли-гини англаб бормоқдамиз. Меҳнатининг қадрланаётгани-ни кўрган юртдошларимиз яна-да катта ғайрат ва шижоат билан олдинга интилмоқдалар.

Шаҳар ва қишлоқлардаги муҳташам биноларни, янги иш ўринлари барпо этаётган тад-биркорларни, халқнинг ризку рўзини яратаётган қадок қўли деҳқон ҳамда сохибкорларни, обод, кўркам бўлиб бораётган, гулларга бурканаётган маҳал-лардан, кўчалару хонадонларни, юзида табассум, дилида шук-роналик ҳисси уфуриб турган юртдошларни кўриб, халқимиз-нинг Юртбошимиз раҳнамоли-гида танлаган йўли нақадар тўғрилиги ва бунёдкорлик иш-лари амалий натижаларини намоён этаётганлигини ҳуш-нуд эканликларини дилдан ҳис қиламиз.

Тинчлик ва осойишталик боис мамлакатимизда юз бера-ётган ўзгаришларни ёшу қари бирдек эътироф этмоқда. Аммо беш қўл баробар бўлмаганидек, ана шу буюк неъмат-нинг моҳияти ва қадрини ҳамма ҳам бирдек англайвермай-ди. Боз устига, бизнинг бу ютуқларимизни хуш кўрмайди-ган, сувни лойқалатиб ҳузурланадиган ички ва ташқи ганим-ларимиз ҳам йўқ эмас. Шунинг учун ҳам мустақиллигимиз-ни мустаҳкамлаш, унга ҳар қандай таҳдидлардан огоҳ ва ҳушёр бўлиш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Зеро, улуг неъмат — тинчлик-хотиржамлик барқарор экан, бундай юртда, шoir айтганидек, ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзалдир.

Ҳабиб СИДДИҚОВ, «Шўҳрат» медали соҳиби.

Ғолиблар аниқланди

Жиззах вилоятида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг республика бошқичи бўлиб ўтди.

СПОРТ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълими, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташиқоти ҳамкорлигида уюштирилган мазкур спорт байрамида ҳудудий босқичларда ғолиб бўлган 14 жамоа иштирок этди.

«Шунқорлар» мусобақаларини ўтказишдан асосий мақсад, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Жиззах вилояти бўлими Кенгаши раиси Азамат Дархонов, — ёшларимиз орасида спортни оммалаштириш, Ватан ҳимоясини ўзининг муқаддас бурчи, деб била-

диган, эл-юрт тинчлигини сақлашга қодир мард ва жасур ўғлонларимизни тарбиялашдан иборат. Иштирокчилар сафда юриш, сафда кўшиқ айтиш, умумийсиёсий, жисмоний тайёргарлик, фуқаро муҳофазаси ҳамда тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш, мерганлик каби йўналишлар бўйича ўзаро беллашдилар.

Қизиқarli кечган мусобақа якунига кўра, биринчи ўринни Самарқанд вилоятининг «Лочин» жамоаси қўлга киритди. Иккинчи ўрин Жиззахлик «Ёш чегарачилар»га насиб этган бўлса, учинчи ўринга сурхондарёлик шунқорлар лойиқ, деб топилди.

Улуғбек АДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Оқсарой кошнлари сири

Халқимизнинг бунёдкорлик борасидаги илму салоҳияти, бой анъана ва тажрибалари асрлар оша дунё аҳлини ҳайратга солиб келаётгани сир эмас. Шу боис аждодларимиз томонидан бунёд этилган тарихий иншоотларнинг қурилиш ва безак ашёлари, архитектуравий ечимини ўрганиш ва тадқиқ этишга қизиқувчилар Ер юзининг кўплаб минтақаларида топилади. Хусусан, Шаҳрисабздаги Оқсарой маданий ёдгорлиги айни пайтда тадқиқотчи ва олимлар эътиборидаги шундай қадимий обидалардан биридир.



МЕРОС

Маълумки, ЮНЕСКОнинг Бутунжа-хон маданий мероси рўйхатида киритилган мазкур тарихий иншоотни бунёд этиш ишлари 1380 йилда Сохибқирон Амир Темури томонидан бошланган бўлиб, унинг маҳорат ва таровати, бетақрор жозибаси хусусида ўша давр тарихнавислари асарлари, хусусан, испанчилик элчи Руи Ионзалес Клавихо-нинг эсдаликларидан қайд этилган. Айни пайтда ёдгорликни комплекс тадқиқ этиш лойиҳаси доирасида Оқсарой фаворалари, ҳовузлари, уларга сайқал беришда қўлланилган горизонтал мозаика ва майоликалар жаҳондаги илгор услублар асосида илмий жиҳатдан текширилиб, консервациялаш ҳамда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Европанинг «Фан ва маданий мерос» ассоциацияси ҳамкорлигида амалга оширилаётган бу лойиҳада Ўзбекистон Фанлар академияси Археология инсти-туту, Самарқанд давлат университети, Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази ҳамда Шаҳрисабздаги Амир Темури но-

мидаги моддий маданият тарихи му-зейи тадқиқотчилари ҳам иштирок эти-шяпти.

Айтиши жоизки, Оқсаройнинг жилва-кор деворий безаклари, кошнларга бета-қрор жозоба ва мўъжиза бахш этган битиклар, ҳижматлар француз мутахас-сисларида, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. Шундан сўнг Амир Темури ва теурийлар даврида юртимизда бунёд этилган меъморий ёдгорликларда иш-латилган кошнлар, мозаикалар, майоликалар ҳамда куллик махсулот-ларининг глазури — сиридан намуна-лар йиғилиб, Франциянинг Бордо — 3 университети лабораториясида ўрга-нилди. Тадқиқотлар натижасида уларни сирлаш учун ишлатилган ранглардаги кимевий моддалар табиий ўсимликлар-дан, рангларни тайёрлашда асосий ко-мпонент бўлган ишқор эса чўл шароити-да, шўр тупроқда ўсувчи «балиқ кўзи» деб аталувчи ўсимлик кулидан олин-гани аниқланди.

— Изланишлар давомида Европа

куллолар ассоциацияси президенти Мигел Каладо томонидан теурийлар давридаги керамика махсулотларини тайёрлаш технологиясини қайта тиклаш учун бир қанча тажрибалар ўтказилди, — дейди лойиҳа иштирокчиси, Амир Темури номидаги моддий маданият та-рихи музейи директори, тарих фанлари номзоди Наби Хушвақтов. — Кўп ўтмай, тадқиқотлар ўз самарасини берди, ко-

— Юртбошимиз таъкидлаганидек, тарихни билмай туриб, келажакни қуриб бўлмайди, — дейди Имом Бухорий халқаро маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов. — Шунинг учун ҳам юртимизда истиқлол йилларида тарихий маданиятга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Айниқса, маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодларга тарихийлик жиҳатларини тўлалигича сақлаб қолган ҳолда етказиш муҳим вазифа қилиб белгиланди. Оқсарой обидасида олиб борилган илмий тадқиқотлар ва улар орқали тўпланган халқаро тажрибаларни амалий-ётда қўллаш эса илм-фан ва маданият тараққиётига, юртимиз довруғини оширишга хизмат қилади.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ўрнида

Advertisement for «Dustlik» order. Text: «Дўстлик» орденли НАВОЙИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ жамоаси мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган турдош корхоналар ишчи-хизматчилари, барча меҳнат аҳлини ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ муносабати билан қизгин муборакбод этади! Касб байрами нишонланаётган кунларда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақил юртимиз иқтисодиётини ривожлантиришга сизларнинг қўшаётган ҳиссангиз бекиёсдир. Бундан соҳанинг ҳар бир ходими фахрланса арзийди.

Advertisement for Hyundai Heavy Industries. Text: HYUNDAI HEAVY INDUSTRIES CO., LTD. Экскаваторы колесные и гусеничные, Фронтальные погрузчики, Мини-погрузчики, Экскаваторы-погрузчики, Вилочные погрузчики. Поставки из Кореи. ООО «GST OIL» — официальный дистрибьютор в Узбекистане. Адрес: г. Ташкент, Хамзинский р-н, ул. Иссик сув, 118. Телефоны: (+99898) 123-48-30, 269-29-62. Факс 269-29-60. E-mail: gsthundai@gmail.com Web site: www.hhi.uz

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper. Text: Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Advertisement for Boz muharrir Utkir Raxmatov. Text: Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 114 475 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Ўзлонлар 232-11-15.

Advertisement for Sharq newspaper. Text: Таҳририятта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳфаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.05 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5

Advertisement for Manzilimiz newspaper. Text: • МАНЗИЛИМИЗ: 100000. Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров. Навбатчи — О. Файзиев. Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Топхўжаев.